

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**М.БЕХБУДИЙ НОМЛИ САМАРКАНД ВИЛОЯТ ПЕДАГОГЛАРНИ КАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**

Ижтимоий фанлар ва маънавият асослари кафедраси

М. Буриев

**Малака ошириш ва кайта тайёрлашнинг барча тоифа тингловчилари учун умумий
булган «Давлат ва ҳуқуқ асослари» курси бўйича**

МАЪРУЗА МАТНИ

Самарканд – 2004

Ушбу маърузалар матни умумтаълим мактабларида фаолият курсатаётган фан уқитувчилари малакасини ошириш ҳамда уларнинг билимларини янада такомиллаштириш мақсадида «Таълим тугрисида»ги қонун ва «Қадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида тайёрланди.

Тақризчилар: А.Тилонов – СамДУ, профессор,

С.Содиқов – СамВПКТМОИ, катта
уқитувчи.

Мухаррир: К.Хайдаров – СамВПКТМОИ, кафедра
мудир, доцент.

Маъруза матни Ижтимоий фанлар
ва маънавий асослари кафедраси-
нинг 2004 йил феврал __-сонли
қарори билан тасдиқланган.

Кафедра мудир: К.Хайдаров

«Давлат ва ҳуқуқ асослари» курси бўйича давлат талаблари

«Давлат ва ҳуқуқ асослари» курсидан тингловчилар:

- давлат ҳуқуқи;
- давлат қурилишининг асослари;
- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;
- Давлат рамзлари;

- Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий тузуми;
- Хокимиятнинг тақсимланиш принциплари;
- Ўзбекистонда жамиятни ислох этишнинг 5 тамойили;
- фуқаролик жамиятини шакллантириш;
- сайловлар, сайлов тизими;
- Ўзбекистон Президентининг ваколатлари;
- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва уларни ҳимоялаш;
- ҳуқуқ турлари;
- виждон эркинлиги;
- халқ ҳокимиятчилиги;
- сиёсий партиялар;
- жамоат бирлашмалари ҳақида тулиқ тушунча ва маълумотга эга бўлишлари керак.

**«Давлат ва ҳуқуқ асослари» курсининг
тақвимий-мавзуй режаси (6 соат)**

<i>N</i>	<i>N</i>	<i>Мавзулар</i>	<i>Жами</i>	<i>Маъруза</i>	<i>Амалий</i>
I	1. 2.	Давлат ва ҳуқуқ тушунчалари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.	2	2	-
II	1. 2.	Жамият, давлат, ҳуқуқ: замонавий ривожланиш тенденциялари ва истикболлари. Фуқаролик жамияти тушунчаси ва уни шакллантириш йуллари.	2	-	2
III	1. 2.	Ҳуқуқий давлат ва ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойили. Ўзбек миллий давлатчилигининг замонавий ривожланиши.	2	-	2
		Ж а м и:	6	2	4

**МАВЗУ: ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ ТУШУНЧАЛАРИ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ.**

Маъруза 2 соат

РЕЖА:

1. Давлатнинг келиб чиқиши тугрисидаги назариялар.
2. Илк давлатларнинг пайдо бўлиши.
3. Давлат пайдо бўлишининг турли шакллари.
4. Давлатнинг моҳияти унинг белгилари ва вазифалари.
5. Ҳуқуқ ва унинг турлари.
6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

1. Давлатнинг келиб чиқиши тугрисидаги назариялар мавжуд бўлиб, улар:

- патриархал назария;
- зуравонлик назарияси;
- иригация назарияси;

- теологик назарияси;
- шартномавий назария ёки ижтимоий шартнома назарияси;
- психологик назария;
- марксистик, тарихий-материалистик назария.

Патриархал назария

Давлатнинг келиб чиқиши ҳақидаги патриархал назария, оиланинг тараккий этиши натижасида пайдо бўлган. Оиладан уруг-кабиладан давлат вужудга келади. Ушбу назария тарафдорлари давлат бевосита катталашиб кетган оиладан келиб чиқкан. Монарах ҳокимияти эса оиланинг барча аъзоларига раҳбарлик қиладиган отадан мерос бўлиб ўтган деб ҳисоблайдилар.

Патриархал назария асосчиларидан Афлотун ва Арасту (Аристотель) лар уз асарларида бу назарияни асослаб берганлар ва XVII-асрда яшаган инглиз олими Фильмернинг «Патриарх» асарида ривожлантирилган. Муаллиф «Инжилга» асосланиб, одам атонинг ҳокимиятни худодан олиб, узининг катта угли- Патриархга, у эса узининг авлодлари бўлган киролларга берганлигини исботлашга ҳаракат қилган. Патриархал назария инглиз социологи, тарихчиси ва юристи Генри Мэн (1822-1888) томонидан яратилган ва бу назариянинг Россиядаги тарафдори Н. Михайловский ҳам уругдошлик алоқаларининг йук бўлишига ҳам давлатининг пайдо бўлишига уругдошлик алоқаларининг давоми бўлган миллий алоқаларнинг ривожланиши сабаб бўлган дейди. Унинг таъкидлашича даставвал оила вужудга келган, оила усиб қабилага айланган, қабила эса усиб бориб давлатга айланган.

Зуравонлик назарияси

Ушбу назария давлатнинг келиб чиқишини босқинчилик ёки бир қабиланинг бошқа қабилани босиб олиши билан изоҳлайди. Бу назария тарафдорлари синфлар ва давлатни уруш, зуравонлик, босқинчилик маҳсули деб изоҳлайди. Булар Австриялик юрист Л. Гумпулович, немис назариётчиси Е. Дюринг ва К. Каутскийлардир.

Босқинчилик, зуравонлик давлатнинг пайдо бўлиш жараёнини тухтатиб қолиши ёки тезлаштириши мумкин. Лекин у биринчи сабаб бўла олмайди. Давлатни вужудга келтирувчи бош омил-моддий ишлаб чиқаришнинг тараккиёт даражаси, ишлаб чиқарувчи қучлар даражасидир.

Иригация назарияси

Иригация назариясига кура, давлатнинг келиб чиқиши, уларнинг илк шакллари Шарқдаги улкан иригация иншоотларини қуриш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ. Ушбу назария немис олими Виттерогелнинг «Шарк истибдоди» асарида ифодаб берилган.

Теологик назарияси

Теологик назария давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқишини илк бор тушунтириб берган назариялардан бири бўлиб, уни худонинг иродаси билан боғлайди. Яъни бутун ҳокимият худо томонидан берилган деб ҳисобланади. Бундай ҳолат давлат ҳокимиятига мажбурийлик ҳамда муқаддаслик бахш этади. Бу назария қадимда пайдо бўлган ва урта асрларда кенг тарқалган. Ушбу назария теократик, яъни давлат бошлиғи айни пайтда унинг диний раҳномаси бўладиган давлат қарор топган даврдаги жараёнларни акс эттиради.

Давлатнинг вужудга келишига иқтисодий, ҳарбий, сиёсий, мафкуравий, биологик, илохий, инсон руҳияти ва бошқа омиллар сабаб бўлиши мумкин.

Давлат иқтисодиётига нисбатан ижобий ва салбий рол уйнаши мумкин.

Агар давлат уз умрини утаётган ишлаб чиқариш муносабатларини химоя қилса, уз таракқиётига тускин бўлади.

Агар давлат янги ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берса, янги, янада прогрессив жамиятнинг иқтисодий негизини барпо этишга интиلسа, ижобий илгор куч бўлиб майдонга чиқади.

Шартномавий назария ва ижтимоий шартномавий назария

XVII-XVIII асрларда давлатнинг келиб чиқишининг шартномали назарияси пайдо бўлган. Бу назарияга кура, ҳокимият халқ томонидан, халқнинг монарх билан битишуви натижасида урнатилади. Шартномали назариянинг вакиллари Голландияда Гуго Гроций ва Спиноза, Англияда Локк, Францияда Жан Жак Руссо, Россияда Радищев бўлган.

Руссонинг китоби айнан «Ижтимоий шартнома» деб аталади. Шартномали назарияда одамлар кузғолон кутариш, монархларни кулатиш ҳукукига эга, улар давлатга бирлашиб, узларининг табиий эркинликларини йукотмайдилар ва чиқмайдилар, ҳам,- деган табиий-ҳукукий таълимот асос қилиб олинган. Шартномали назарияда инсоннинг табиий ҳуқуқлари асослаб берилган, яъни инсон дунёга келиш чоғида худодан инъом этилган табиий ҳуқуқнинг мавжудлиги гоёси кузга ташланади.

Психологик назария

Бу назария давлатнинг келиб чиқишини кишиларнинг ҳукмронликка ва буйсунишига бўлган эҳтиёжи билан изоҳлайдилар. Унда инсон психикаси хусусиятлари, биопсихик инстинклари ва шу қабилар асос қилиб олинган.

Психологик назария асосчиларидан: рус олими Коркунов, профессор Петрожицкийлар ҳамда социолог Габриэл Тард, социалист Рудольф Тампериенлар давлат инсоннинг буйсунишига интилиши орқасида пайдо бўлади деб ҳисоблаганлар.

Ушбу назарияни баҳолашда албатта ижтимоий қонуниятлар инсоннинг юриш-туриши, фаолияти орқали амалга оширилади. Бинобарин, инсон психикаси хусусиятлари бу қонуниятларнинг амалга оширилишига муайян таъсир қурсатади. Бирок, бу таъсир ҳал қилувчи қучга эга эмас. Психиканинг узи тегишли иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ташқи шарт-шароитлар таъсирида шаклланади. Айнан шуларнинг узини биринчи навбатда назарда тутилиши лозим.

Марксистик, тарихий-материалистик назария ёки синфий назария.

Синфий назария намояндалари К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленинларнинг фикрича, давлат иқтисодий-ижтимоий сабаблар меҳнат тақсимоти, қушимча маҳсули, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамиятнинг қарама-қарши иқтисодий манфаатларга эга синфларга ажралиши туфайли келиб-чиққан-деб ҳисоблайдилар. Ушбу жараёнда, давлат узининг маҳсус бошқариш ва бостириш воситалари билан ана шу синфларнинг қурашини бостириб туради. Бунда давлат ҳукмрон синф манфаатларини химоя қилади.

Синфий назария тарафдорлари, давлатни ҳукмрон синфнинг сиёсий ҳокимият ташкилоти ҳуқуқни эса шу синфнинг қонун ҳолига қелтирилган ифодаси деб қарайди. Бу таълимотга кура, давлат синфларнинг бир-бирига нисбатан қарама-қаршилигини жиловлаб туриш учун зарур бўлади, давлат ёрдамида иқтисодий ҳукмрон синф, сиёсий ҳукмрон синф ҳам бўлиб қолади, бу синф давлат сиймосида маълум синфни бостириб эзиш учун янги қуролга эга бўлади.

Шундай қилиб давлатнинг келиб чиқиш назариясининг қуплиги оқибатида ҳанузгача давлатнинг туб моҳиятини бирдек тушунишга эришилгани йук.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти «биз барпо этаётган давлат- энг аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида бошқа халқлар эришган

тажрибаларга, ижтимоий кадриятларга асосланиши лозим. Ватанимиз азалдан башарият, тафаккур хазинасига унутилмас хисса кушиб келган. Асрлар мобайнида халкимизнинг юксак маънавий, адолатпарварлик, маърифатпарварлик каби эзгу фазилатлари шарк фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий боглик, равишда ривожланган. Ва уз навбатида бу фалсафий-ахлокий таълимотлар ҳам халкимиз дахосидан бахра олиб бойиб боради. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз ана шу фалсафага уйгун холда, Хожа Ахмад Яссавий, Баховуддин Накшбанд, Имом Бухорий, Имом Ат- Термизий, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Алишер Навоий, Бобур Мирзо сингари мутафаккир аждодларимизнинг доно фикрларига уйгун холда шаклланиши лозим» – деб хисоблайди.

II. Илк давлатларнинг пайдо булиши.

Энг кадимий давлатлар, илк дехкончилик жамиятларининг ижтимоий-иқтисодий асосида пайдо булган ва илк синфий давлатлар милоддан аввалги IV-III мингинчи йилларда Месопатамия, Месоамерикада, Тогли Перуда турли даврларда ва бир-биридан мустиқил равишда ташкил топган.

Улар дастлабки шаҳар-давлат шаклида булиб, энди уруг-оила жамоасини эмас, балки кушничилик жамоасини ташкил килган. Булар бир неча кишлок, гурухларидан ажралиб чикиб, хужалик ва диний марказни, кейинчалик маъмурий хужалик ва диний марказ-шаҳарни ташкил этган. Бундай шаҳарлар унчалик катта булмаган. Бу давлатда йулбошчилар ва кохинлар утрук яшаганлар. Унда шаҳар-давлатларда мажлислар, кенгашлар утказган.

Шаҳар давлатларда социал табакаланиш кучли булган, мулкый тенгсизлик, меҳнат тақсимои мавжуд булган. Кулоллар, мисгарлар, дурадгорлар ва бошқа хунармандлар яшаган, дастлабки маъмурий бошқарувчилар-ишлаб чиқаришни, ҳисоб-китобни, жамоа ишларини ҳашарини ташкил килиш, жамоа жамғармасидан баъзи нарсаларни ажратиб бериш билан шуғулланганлар.

Шунингдек жамоа дехкончилигини ва ер эгалигини бошқариш, диний маросимларни бажариш давлатлараро махсулотлар айирбошлаш, харбий хужумлардан ҳимоя килиш, улпон ёки солиқларни ундириш, жамоа захираларини асосан озик-овқатни туплаш, табиий офат юз берганда ва харбий босқин булганда тақсимлаш учун туплаш, жанжалларни-тортишувларни хал килиш, анъаналарни, одатларни куллаб-қувватлаш, дунёвий ва диний қоидаларни жорий килиш учун, хунармандчилик, савдо- сотикни ривожлантириш учун тегишли институтларни тузишни ташкил кил ган.


Илк давлатларда, ибтидоий жамиятнинг социал тизимидан -фарқли уларок, узиға ҳос давлат институтлари – судлар, турмалар, полиция, армия пайдо булган. Улар мажбурлашға мослаштирилган органлар эди.

Давлат ибтидоий жамиятдан ҳудудий ташкил топиши билан фарқ килади. Ҳудудий тузилишнинг биринчи босқичи шаҳар булиб унда одамларни қариндош-уруғлик асосида эмас, балки маълум ҳудудға қура бирлаштирган.

Давлат ҳудудида узаро мулоқот қуроли сифатидаги тил бирлиги яъни унда яшовчи этник гурухлар тилининг мавжудлиги ва ундан фойдаланиш мумкинлигини, ягона мудофа ва ташки сиёсат, транспорт, ахборот, энергетик тизим, давлат томонидан ҳимоя қилинадиган шахс ҳукмларининг маълум бирлиги қабилар давлатнинг ибтидоий тузимидан фарқ килади.

ДАВЛАТНИНГ ШАКЛЛАРИ





V. Давлатнинг мохияти, унинг белгилари ва вазифалари.

1. Давлатнинг мохияти.

Давлат – сиёсий ҳокимият ташкилоти бўлиб, муайян ҳудудда турли синфий, умуминсоний, диний, миллий ва бошқа манфаатларни амалга оширига кумаклашади.

Давлатнинг мохияти – унинг фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Хар бир давлат у ёки бу жамиятда тутган урнига қараб уз мохиятига эга бўлади.

Давлатнинг мохиятини аниқлашда унинг шакл ва мазмун жиҳатига эътибор бериш керак.

-биричидан хар қандай давлат – сиёсий ҳокимият ташкилоти, бу эса масаланинг шаклий томони;

-иккичидан, давлат қимнинг манфаатларига хизмат қилади, бу эса масаланинг мазмун жиҳати.

Давлатнинг мохиятига асосан икки хил, синфий ва умумижтимоий ёндашувларни қурсатиш мумкин.

-синфий ёндашувда – давлат қатат ҳукмрон синфнинг манфаатларини таъмилашга хизмат қилади. Унинг умуминсоний жиҳати иккичи даражали бўлади;

-умумижтимоий ёндашувда – давлат турли синф ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини қелиштирувчи сиёсий ҳокимият ташкилоти сифатида намоён бўлади.

Бу икки ёндашувдан ташқари – диний, миллий, ирқий ва бошқа ёндашувларни қурсатиш мумкин. Бундан қуриниб турибдики – Давлатнинг мохияти мураккаб ва қур қиррали. Унинг мохияти синфий ва умумижтимоий хусусиятлар билангина қегараланмайди. Ва хар қандай давлатнинг мохияти аниқ тарихий шароитлардан қелиб қикади. Унда у ёки бу жиҳатлар устунлик қилади.

2. Давлатнинг белгилари.

Давлатнинг ибтидоий-уруғчилик жамиятидан ажралиб турадиган белгилари куйидагилар:

1) Давлат пайдо булган жамиятда юкорида таъкидланамиздек – фукаролар маълум бир худудга бирлашадилар.

2) Хукмрон синфнинг курули сифатида давлат уз сиёсатини утказиш учун бошқарув аппаратига эга булади. Кушин, полиция, суд, прокуратура ва бошқалар.

3) Ёзма равишда давлат эрки ифодаланган ҳукукий қоидалар пайдо булади.

4) Бошқарув аппаратини тутиб туриш учун керакли харажатлар халқдан солиқлар шаклида ундириб олинади.

Шуни таъкидлаш керакки, давлат аста-секин ривожлана бориб уз суверенитетига эга була бошлайди. Бу давлат ҳокимияти мамлакат ичкарасида ягона ва чекланмаган сиёсий ҳукмронликни амалга оширишда бошқа ташкилотга мансуб булган ҳокимиятга бўйсинмаслигини, давлатнинг бўйруқларини барча ташкилотлар учун ва барча аҳоли учун бажариш мажбурийлигини ва бошқа давлатлар билан муносабатда мустақиллигини англамайди.

Уз навбатида ҳуқуқ ҳам ибтидоий жамоа тузилишидаги қоидалардан куйидагича фарқ қилади:

1) Ҳуқуқ бутун жамиятнинг эмас, балки фақат ҳукмрон синфнинг қонун даражасига қутарилган, эрки бўлиб, унинг мазмуни шу синфнинг моддий ҳаёт шароити билан белгиланади.

2) Ҳуқуқ фақат давлат органлари томонидан урнатилади ва тасдиқланади. 3) Ҳуқуқ, лозим бўлганда давлатнинг зўрлик ва мажбурлаш йули билан таъминланади.

Давлат суверенитети.

Давлат суверенитети тушунчаси, – урта аср охирида давлат ҳокимиятини черковдан ажратиш ва унга мутлоқ монополь аҳамият бериш зарурати тугилган пайтда пайдо булган. Ҳозирда суверенитет давлатнинг доимий белгиси ҳисобланади. Давлат суверенитети шу ҳокимиятнинг устунлиги, эркинлиги ва мустақиллигидан иборат.

Мамлакат ичкарасида давлат ҳокимиятининг устунлиги:

-ҳокимият қучининг универсаллиги, яъни - ушбу мамлакатнинг барча аҳолиси, барча партиялари ва жамоат ташкилотлари учун бир хил амал қилиши;

-унинг имтиёзларини (давлат ҳокимияти ҳар қандай бошқа ижтимоий ҳокимиятнинг ҳар қандай қурилишини бекор қилиши, ҳақли деб эътироф этиши мумкин);

-унда бошқа ҳеч қандай ижтимоий жамият эга булмаган таъсир қурсатиш воситалари – армия, полиция ёки милиция, қамқўхоналар ва бошқаларнинг маъжудлигини англатади.

Давлат ҳокимиятининг мамлакат ичкарасида ва ташқарисидаги ҳар қандай бошқа ҳокимиятдан эркинлиги ва мустақиллиги узининг барча ишларини мутлақо ва танҳо ҳал этиш ҳудудида ифодаланади.

Собиқ СССР да ва собиқ социалистик давлатларда, давлат ҳокимияти на олий, на эркин ва мустақил эди. Давлат ҳукмрон партиянинг директиваларини ҳаётга тадбиқ, этувчи ижроия қурули бўлиб хизмат қиларди. Буларнинг ҳаммаси жамият ва давлатни чуқур инкирозга олиб қилишига сабаб булди.

Давлат ва ҳуқуқнинг мустақам алоқаси.

Давлат ҳуқуқсиз мавжуд бўла олмайди. Ҳуқуқ, давлат ва давлат ҳокимиятини юридик жihatдан расмийлаштиради ва қонуний ҳолга келтиради ҳамда давлат ҳокимиятининг ишлашини қонунийлик доирасига киритади ва уларни аниқ, ҳуқуқий тартибга бўйсундиради. Бундай бўйсундирилиши асосида эса, давлатнинг демократик ҳуқуқий асоси шаклланади.

5. Давлат функцияларининг бажарилишини таъминловчи махсус бошқарув аппаратининг мавжудлиги.

б. Ягона қуч тизими, ягона иқтисодий ва ҳуқуқий макон.

7. Ташқи аломатларнинг мадҳия, байроқ, герб, пойтахтнинг мавжудлиги.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тугрисидаги 1991 йил 31 августда қабул қилинган. Қонунининг 16- моддасида «Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йулини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари муқаддасдир ва уларни ҳар қандай таҳқирлаш Қонун билан жазоланади» дейилган.

Ўз функцияларини амалга ошириш бўйича давлат фаолияти албатта ҳуқуқий шаклларга бўлинади.

Бундай бўлиниш асосида ҳокимиятларнинг бўлиниш тамойили ётади. Тараққиётнинг бирон-бир босқичида турган ҳар қандай давлат иқтисодий функцияларга эга бўлади. Лекин, улар мазмуни ва амалга ошириш усуллари бўйича бир-биридан фарқ қилади.

Янги босқичга утадиган давлат эскиларидан бутунлай, воз кечмай вақт утиши билан янги функцияларга утади. Бироқ, эскилари бутунлай изсиз йуқолиб кетмайди.

Ўзбекистон Республикасида давлатининг асосий функциялари.

Ўзбекистон Республикасида давлатнинг асосий функциялари учга бўлинади:

1. Ички функциялар.
2. Ташқи функциялар.
3. Мамлакат муҳофазаси функцияси.

Ички функциялар.

1. Ички функциялар ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади: 1) Иқтисодий-функция.
- 2) Ижтимоий функция.
- 3) Молиявий назорат функцияси.
- 4) Жамиятда тинчлик тотувликни таъминлаш функцияси.
- 5) Ҳуқуқ тартиботни муҳофаза этиш функцияси.
- б) Табиатни муҳофаза этиш экологик функцияси.

Иқтисодий функция.

- а) Мамлакатни иқтисодий тараққиётининг умумий дастурини белгилаш; б) иқтисодиётнинг энг устивор тармоқларини рағбатлантириш;
- в) тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитларни яратиш; г) меҳнат бандлик бўйича янги сиёсатни шакллантириш.

2. Ижтимоий функциялар. а) жамиятнинг ёрдамга муҳтож аъзоларига ижтимоий қулак бериш; б) соғлиқни сақлаш, маорифга, маданий муассасалар қурилишига зарур маблағлар ажратиш;

в) ялпи ижтимоий химоя тизимидан ишончли ижтимоий кафолатлар тизимига изчил утиб боришни амалга ошириш.

г) адолат ҳукмронлиги гоёсига огишмай риоя этиш тамойили. Янги иктисодий сиёсатни шакллантириш зарурати ҳамида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов узининг «Ватан саждагоҳ, қаби мукаддасдир» - номли асарида «... ислохотлар давомида кишилар уз меҳнат ва ақлий имкониятларини амалга оширишлари, қилган меҳнатларига муносиб ҳақ олишлари учун Конституцияда қўзда тутилган тенг ижтимоий кафолатлар ва имкониятларни таъминлаш зарур. Ташаббусқорлик ва омилқорлик бутун қоралар билан рағбатлантирилиши лозим. Ҳақиқатдан ёрдамга муҳтож аҳолини аниқлаб, шунга қараб уларни ижтимоий қўллаб – қувватлашга утиш жараёнини қучайтириш зарур. Бунда айрим кишиларнинг тайёрга - айёрлик қайфиятидан тезроқ, ҳалос бўлишларида ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга» – деб таъкидлаганди.

Шунингдек «... биз кишиларнинг турмуш даражасининг қескин пасайиб қетишига йул қўймадик, ижтимоий барқарорлик . Ҳамда аҳолининг ислохотларга ишончини, жамиятда умуммиллий тотувликни сақлаб қолдик» - деб қайд этган.

Молиявий назорат функцияси.

Мазкур функция бевосита ва биринчи навбатда солиқ сиёсати билан боғлиқ, бўлиб солиқ, тизимининг энг муҳим вазифаси – ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, ҳам ашё, табиий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан, туплаган мол-мулкдан самарали ва оқилона фойдалинишга ҳамда рағбатланишига таъсир қўратишдан иборатдир.

Ҳулоса қилиб шунини айтиш қеракки, молиявий назорат функциясини, бир қисми ижтимоий ҳамда умумдавлат эҳтиёжларини қондириш учун, давлат ва маҳаллий бюджетга жунатиладиган, ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини аниқлаш ва ҳисобга олишдан иборатдир. Шунингдек, ишлаб – чиқаришни ривожлантириш ва барқарорлаштириш учун бевосита солиқ тизимини янада такомиллаштириш зарур.

Жамиятда тинчлик ва тотувликни таъминлаш функцияси.

«Қўп миллатли жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, фуқаролар уртасида тинчлик ва миллатлараро тотувликни сақланганлиги, муқтақил Ўзбекистоннинг бунёд бўлиши ва ривожланишининг биринчи, бошланғич босқичида қўлга қиритган энг асосий ютуғи бўлди» – деб таъкидлаганди Ўзбекистон Республикаси Президенти. Давлатимизнинг мазкур функциясини барқарорлик, тинчлик, узаро тотувликни таъминлаш ва давлатчилигимиз биносини барпо этадиган бу муҳим пойдеворни бунёд қилишга қаратилган, аниқ мақсадга йуналтирилган доимий ва изчил фаолият сифатида таърифлашимиз мумкин.

Ҳуқуқ тартиботни муҳофаза этиш функцияси.

Давлат фаолиятининг ушбу йуналишидаги асосий мақсади фақат ҳозирги замон шароитига мос қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишдангина эмас, балки уларга огишмай риоя этилишини таъминлашдан ҳам иборат эканлигини уқиб олиш зарурдир.

«Қонунга риоя этиш ҳамма учун мажбурий бўлган, уни бузишга эса, асло йул қўйиб бўлмайдиган ҳуқуқий ҳаёт тартибини, ҳуқуқий маданият даражасини ишлаб чиқариш зарур».

Давлатимиз тараккиётидаги ҳуқуқ муҳофазасини ҳозирда қўйидагича таърифлаш мумкин:

-у ижтимоий муносабатлар барча иштироқчилари томонидан қонунларни аниқ ва огишмай бажарилишини таъминлаш учун бир мақсадга йуналтирилган давомли фаолиятидир.

Табиатни муҳофаза этиш-экологик функцияси.

а) Табиий захиралардан вахшийларча фойдаланиш, атроф-мухитга зарар етказиш ва республикада экологик ахволнинг ёмонлашувига йул қуймаслик.

б) Бошқа давлатлар иштирокида Оролни кутқариш, Оролбуйида экологик шароитни яхшилаш бўйича таъсирчан чоралар қуриш ва амалга ошириш ҳамда иктисодий ва ижтимоий соҳалардаги ҳалокатни баҳрам топтириш

Ўзбекистон Республикасининг ташқи функциялари.

Бошқа мамлакатлар билан узаро фойдали ҳамкорлик янги -ташқи сиёсатни барпо этиш функцияси сифатида, Ўзбекистонда ташқи иктисодий алоқаларни ривожлантириб хорижий инвестицияларни иктисодиётимизга кенг жалб этиш учун қулай шароитлар яратишга катта аҳамият берилмоқда.

Бизда ташқи иктисодий фаолиятни қўллаб қувватлаш янада эркинлаштириш ва аниқ мақсадларга йўналтирилган сиёсати олиб борилмоқда. Шунингдек, республика иктисодиётига капитал маблағларни тугридан-тугри жалб этишни таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий бошқа шароитларни такомиллаштириб бориб; -жаргон андозалари даражасидаги технологияларни етказиб берувчи, халқ ҳужалигини замонавий таркибини яратиш;

-Суверен, Марказий Осиё ва Козогистон Республикалари билан ҳамдустлик, қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаб, иктисодий-ижтимоий, илмий ва маданий муносабатларни янада чуқурлаштириш Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини муҳим йўналишидир.

-муслмон давлатлари билан қўп томонлама узаро муносабатларни чуқурлаштириш;

-иктисодий тараққий этган давлатлар – АКШ, Германия, Франция, Испания ва бошқалар билан узаро манфаатли мустаҳкам алоқалар урнатиш.

-бундан ташқи иктисодий фаолиятимизни ташкил этишни янада ислох қилиб бориш.

Бу функцияларни ҳаётга тадбиқ этиб бориб Ўзбекистон иктисодиётини жаҳон ҳам жаҳиятита кенг қўламда уйғунлаштириш учун иктисодий ҳамда ташқилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш имконини беради.

Мамлакатни мудофаси функцияси.

Ушбу функция давлат фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этади. Ўзбекистоннинг мудофа функциялари: Иктисодий, сиёсий, дипломатик ва харбий воситалар билан амалга оширилади.

Ҳозирда давлатларнинг аксарияти харбий мудофа доктринасига эга. Бундай доктринанинг аҳамияти бошқа давлат ёки бир гуруҳ давлатлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган агрессиянинг олдини олиш учун етарли даражада қўч ва воситаларни вужудга келтиришда ўз ифодасини топади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 125-моддасида «Ўзбекистон Қўролли Қўчалари Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини ва ҳуқуқий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади» - дейилган. Давлатнинг мудофаа функцияси унинг харбий доктринасига асосланган бўлиб, беш асосий йўналишдан ташкил топади.

1. Мамлакат мудофаасини мустаҳкамлаш.

2. Қўролли қўчаларни доим такомиллаштириб бориш. 3. Давлат чегарасини ҳимоя қилиш.

4. Қўролли қўчаларнинг харбий таълими.

5. Фукарлар мудофаасини ташкил этиш.

Мудофаа функцияси бевосита иктисодий – ижтимоий, жамоат тартибини саклаш, *экологик функциялар билан ҳамбарчас боғлиқ бўлади.*

Хукук ва унинг турлари.

Хукук-бажарилиши мажбурийлиги урнатилган юриш-туриш қоидалари, ҳатти-ҳаракатлардир. Хукукнинг мажбурийлиги давлат томонидан урнатилади ва бажарилиши таъминланади. Хукук тушунчаси фукарларга нисбатан олинса, Конституциявий ёки оддий хукукларга бўлинади.

Конституциявий хукуклар конституциявий меъёрлар билан, оддий хукуклар оддий қонунлар билан тартибга солинади.

Конституциявий хукуклар бир мамлакатнинг жумладан Ўзбекистоннинг ҳам хукук тизимидаги етакчи хукукдир. Шу билан бирга хукук тармоғи ҳам. Унинг етакчилиги шундаки, бошқа ҳар қандай хукуклар тартибга соладиган ижтимоий муносабатларнинг асоси Конституциявий хукукда белгиланади.

Масалан: Меҳнат ҳукуқи, маъмурий хукук, оила ҳукуқи ва бошқа хукуклар. Бундан ташқари Конституциявий хукукнинг узини тартибга соладиган ижтимоий муносабатлари бўлиб, бу уни хукук тармоғи сифатида қурсатади.

Конституциявий хукук ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳукукий тузилишининг асосларини, сайлов тизimini, инсоннинг асосий хукук, эркинликлари ва бурчларини урнатувчи, тарбияга солувчи ҳукукий нормалар йигиндисидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосий Қонун ҳисобланади, унинг 16-моддасига биноан, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳукукий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид қилиши мумкин эмас.

Конституция асосида заруриятга қура қонунлар ва норматив актлар ишлаб чиқилади. Конституция олий юридик қучга эга бўлиб, унга барча қонунлар ва қонун ости актлари мувофиқ қилиши лозим.

Бундан ташқари, Конституциянинг асосий қонун сифатидаги хусусияти шундан иборатки, у алоҳида тартибда узгартирилади, яъни Конституциянинг 127-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияга узгатиришлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси жами депутатларининг қаида учдан икки қисмидан қуччилиги томонидан қабул қилинган қонунлар билан қиритилади.

Оддий ёки жорий қонунлар Конституция асосида қабул қилиниб, ҳужалик, ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатларни тартибга солади.

Хукук тизимида қуйидаги соҳалар қиради:

1. Конституциявий хукук.
2. Маъмурий хукук.
3. Молиявий хукук.
4. Фуқаролик хукук.
5. Фуқаролик-процессуал ҳукуқи.
6. Меҳнат ҳукуқи.
7. Ниқоҳ ва Оила ҳукуқи.
8. Экологик ҳукуқи.
9. Жиноят ҳукуқи.
10. Жиноят процессуал ҳукуқи.
11. Ҳалқаро хукук.

12. Халқаро хусусий ҳуқук ва бошқалар.

Виждон эркинлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқий кафолатлари, ҳуқук ва эркинликларни ҳимоялаш.

Виждон эркинлига-фуқароларнинг динга муносабати: Хар қандай шахс хоҳласа динга эътиқод қилади-ишонади, хоҳламаса эътиқод қилмайди-ишонмайди ёки ўзи танлаган динга эътиқод қилади.

Динга ишониш ёки ишонмаслик учун таъқиб қилинмаслик, жазоланмаслик, камситилмаслик виждон эркинлигининг амалда бўлишидир. Бирор – бир динга эътиқод қилиш мажбурлаш ҳам, виждон эркинлигига зиддир.

Виждон эркинлиги дунёвий давлат принципларидан келиб чиқади-дейилган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияни 31- моддасида.

Амалдаги асосий қонунда шахсий ҳуқук ва эркинликлар қуйидагилардан иборат.

1. Яшаш ҳуқуқи. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноят деб ҳисобланади.

2. Шахснинг дахилсизлик ҳуқуқи. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши мумкин эмас.

3. Ўз шаъни ва обрўига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишидан ҳимояланиш ҳуқуқи.

4. Турар жой дахилсизлиги, ёзишмалар , ва телефонда сузлашувлар сирининг дахилсизлиги ҳуқуқи.

5. Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга қочиши. Ўзбекистон Республикасига келиши ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига оид Қонунда белгиланган чеклашлардан бундан мустасно.

6. Фикрлаш, суз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи .

7. Ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқи. Конституциявий тузимга қарши ва қонун билан тақиқланган чеклашдан ташқари.

8. Виждон эркинлиги, хоҳлаган динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи.

Сиёсий ҳуқуқларига қуйидагилар қиради:

1. Давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиш. Булар ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йули билан амалга оширилади. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий ҳуқуқлари Конституциянинг VIII-бобида берилган. Сиёсий ҳуқуқларига сайлов ҳуқуқ, референдумда иштирок этиш, митинглар, намойишлар, йигилишлар ўтказиш, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, давлат органларига мурожат этиш ҳуқуқлари қиради.

IV. Ўзбекистонда демократия ва сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмалари. Аввало «Демократия» нинг ўзи нима деган маънони англатади-деган саволга жавоб қайтарсак.

Демократия-«Халқ ҳокимияти» деган маънони билдиради. Демократия халқнинг давлат органларини тузиш, уларнинг ишида иштирок этиши, давлат органларини ташкил этиш, мамлакатда инсон ҳуқуқларини таъминлаш орқали намоён бўлади. У давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократия бевосита демократия ва вакиллик демократияси шаклида бўлади. Демократия ҳамма нарсадан хоҳлаганча эркинлик эмас, қонунга асосланган эркинликдир. Демократиянинг ажралмас қисми интизом қонунларни ҳурмат қилиш, бошқаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир.

Сиёсий партиялар-қараш ва мақсадлари бир бўлган турли табақа гуруҳлардаги фуқароларнинг сиёсий мақсадини қўллаб-қувватлаган бирлашмалари- ташкилотларидир. Улар

аник аъзолардан ташкил топади- ва тузилади. Сиёсий партиялар сайловларда иштирок этиб, тегишли органларга уз вакиллари утказиш оркали давлат ҳокимияти органлари фаолиятида иштирок этади. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда куйдаги сиёсий партиялар мавжуд:

- Халк демократик партияси,
- «Адолат» Социал-демократик партияси,
- «Фидокорлар» Миллий демократик партияси,
- «Миллий тикланиш» демократик партияси,
- «Либерал» демократик партияси.

Сиёсий партиялар тегишли тартибда руйхатга олингач, уз фаолиятини амалга оширади. Уларнинг фаолияти Конституция ва махсус Конунлар билан тартибга солинади. Жамоат бирлашмалари- маънавий ёки узга номоддий эҳтиёжларни каноатлантириш учун уз манфаатларининг муштараклиги асосида конунда белгиланган тартибда бирлашган фукароларнинг ихтиёрий бирлашмалари жамоат бирлашмалари ҳисобланади.

Жамоат бирлашмалари уз уставларида назарда тутилган ишлаб чиқариш ёки узга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.-дейилган. Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 74- моддасида. Шунингдек жамоат бирлашмаларининг иштирокчилари (аъзолари) ушбу бирлашмаларга мулк килиб берган мол-мулкларига, шу жумладан аъзолик бадалларига булган ҳуқуқларини саклаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида иштирок этаётган жамоат бирлашмаларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур бирлашмалар эса-уз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб берадилар.

Жамоат бирлашмалари ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари конун ҳужжатлари билан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясининг XIII-боб 56-моддасида жамоат бирлашмалари, «Ўзбекистон Республикасида Конунда белгиланган тартибда руйхатдан утказилган қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, Хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фукароларнинг бошқа уюшмалари, оммавий ҳаракатлар ва фукароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади»

V. Ўзбекистон Републикасининг Президенти ва унинг ваколатлари.

Ўзбекистон Републикаси Мустақиллигининг эълон қилиниши билан давлат қурилиши соҳасида қатор қатта муамолар қундаланг қўйилди. Мустақил демократик ҳуқуқий давлатни қуриш шундай муаммолардан бири бўлиб, уни ҳал қилишнинг энг самарали усулларида бири марказий давлат органларини жаҳонда тан олинган ҳокимият тақсимланиш нуктаи назаридан ташкил этиш ҳисобланади. Республикаимизнинг биринчи Конституциясида бу муаммолар ҳуқуқий асосини топган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 11- моддасида «Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими-ҳокимиятнинг конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиши принципи асосланади.» - деб белгилаб қўйилган.

Ўзбекистонда давлат бошқарувининг уйғун тизимини яратиш, конун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятини қатъий чегаралаб қўйиш, шунингдек давлат органлари фаолиятидаги Параллелизмга, бир-бирини ишини тақрорлашга, бир орган ишини бошқаси бажаришга бар ҳам бериш мақсадида Президент ва ижроя бошқарув тизимлари қўшиб юборилди. Бозор муносабатларига утиш даврида давла, ҳужалик ижтимоий маданий қурилишининг барча жаҳбаларида интизом ва тарбия урнатиш, ижроя ҳокимиятини бутун қоралар билан мустаҳкамлаш эҳтиёжи шуни талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси ижроя ҳокимияти Олий идораларининг тизими қуйидагича.

1. Республика Президенти.
2. Вазирлар маҳкамаси.
3. Вазирликлар.
4. Давлат қумиталари.

5. Марказий бошқарув идора (махкама) лари.

6. Махалий давлат ҳокимияти асослари.

Бу идоралар фаолияти мазмунида давлат, ҳужалик ва ижтимоий-маданий қурилишга ҳамда ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилиш намоён бўлади. Уларнинг ҳар бирини ҳукукий мақомда ташкил этилиши ва фаолиятида умумийликлар билан бир қаторда узига хос хусусиятлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8 моддасига мувофиқ, Президент давлат ва ижроя этувчи ҳокимият бошлиғидир. Президент айна вақда Вазирлар Маҳкамасининг раиси ҳисобланади.

Президентнинг ваколатлари 21 та бўлиб, улар Конституциянинг 93- моддасида белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш тартиби 18 ноябр 1991 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президентлиги Сайлови тугрисида» ги Қонуни асосида амалга оширилади.

Амалдаги Конституция ва Қонунга қура Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган бевосита сайловга қамида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси Президенти сурункасига икки муддатга сайланиши мумкин.

Президент ўз ваколатларини халқдан олади, шу боис ўз имзоси билан халқ иродаси ва эзгу истагини ақс эттирувчи Қонунларни тасдиқлайди. Конституция Президент зиммасига бутун давлат тақдири учун жавобгарликни юқлайди. Шу сабабли Президентга «вето» ҳуқуқини беради. («Вето» бирор бир ҳукукий ҳужжатнинг қучга қиришини тухтатиб қўйиш)

Бундай ҳуқуқ Президентга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93- модда 14-бандига асосан берилган. Чунки қонун қабул қилингандан кейин, унинг ижросини таъминлаш Президент зиммасига тушади. Демак, Президент Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий раўнақига имқон бермайдиган қонунга (унинг айрим қоидаларига) эътироз билдириши мумкин. Агар Олий Мажлис илғари ўзи қабул қилган қарорни ўчдан икки қисмдан иборат қупчилик овоз билан тасдиқласа, Президент қонуни имзолайди.

Президентнинг қонунчилик ташаббуси ҳукукий, яъни Олий Мажлис эътиборига қонун лойҳаси, шунингдек қонунчилик характеридаги тақлифларни тақдим этиш ҳуқуқини алоҳида таъқидлаш лозим. Мазкур ҳуқуқ ҳам Президентнинг Парламентга таъсир этиш ҳуқуқларини мустаҳкамлайди.

VII . Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси

Конституция инсоният тарихида, тараккиётнинг маълум босқичида эзгуликнинг разиллик ўстидан, янгиликнинг эскилик ўстидан, адолатнинг зуровонлик ўстидан, эркинликнинг ҳақсизлик ўстидан, тараккиётнинг тўскинлик ўстидан ғалабаси сифатида вужудга қелган ҳужжатдир.

Дунёда биринчи бўлиб 1787 йилда АҚШ да Конституция қабул қилингандан кейин, қуплаб мамлакатларда Конституция қабул қилина бошланди.

Конституция – давлатнинг асосий қонуни бўлиб, энг юқори юридик қучга эга бўлган ҳужжатдир. Конституция давлат тузилишини, давлатнинг бошқарув шаклини, давлат органларини тузиш тартиби, уларнинг ваколатларини, шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини белгилаб қуяди. Конституция меъёрлари билан жамиятдаги энг муқим ижтимоий муносабатлар мустаҳкамланади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабрда Олий Қенга ш томонидан қабул қилинган. Шу қун умумхалқ байрами деб белгиланган.

Ҳукукий давлатнинг муқим шартларидан бири бу Конституция ва қонунларнинг ўстунлиғидир. Бунда Конституция ва қонунларга ҳамманинг сузсиз амал қилиши зарурлиғи, ҳеч қандай ҳужжат уларга зид бўлмаслиғи тушунилади. Конституция ва қонунларга зид қелувчи ҳар қандай ҳужжат бекор қилинади. Ҳамда ҳақиқий эмас деб топилади.

Конституциявий ҳуқуқ, ҳуқуқ соҳаларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикасининг давлат ижтимоий тузими сиёсат асосларини ифода этувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Булар доирасига Ўзбекистоннинг сиёсий тузими. Иқтисодий тузими ва ташки сиёсати кабилар киради. Давлат ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардан бири Ўзбекистон миллий давлат тузими доирасига кирувчи муносабатлардир.

Ўзбекистонда Конституциявий ҳуқуқ фуқаролик, унинг ҳуқуқий ҳолати, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда бурчлари, суверен демократик Ўзбекистон давлатининг мустақиллик асослари, давлат рамзлари билан боғлиқ амалга ошириладиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов Конституциянинг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сузлаган нутқида, «Минг афсуски бу сир эмас.- купчилигимиз Конституциянинг маъно мазмунини яхши билмаймиз, уни синчиклаб урганмаймиз. Ваҳоланки, агар Конституциямизнинг моҳиятига кириб борсак, магзини чаксак, бугун олдимизда турган купгина саволларга, муҳим муаммоларни ечишда жавоб топишимиз мумкин-деган эди.

Ҳақиқатдан ҳам Конституция давлатнинг асосий қонуни булса ҳам у факат давлатга эмас, фуқароларга хизмат қилиши керак.

Конституция бу ҳуқуқий ҳужжат, унинг мазмуни – моҳияти, вазифаси, ҳуқуқий табиати, нормаларини чуқур билгандагина у ҳар биримизга наф қелтириши, уни ҳурмат қилишимиз, у билан фахрланишимиз мумкин. Акс ҳолда у бошқа оддий қонундан фарқ қилмайди.

Конституцияда айрим шахслар чуқурроқ билиши зарур бўлган қоидалар ҳам мавжуд.

Давлат хизматчилари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлигини; вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексалар уз ҳуқуқлари давлат томонидан алоҳида ҳимояланишини; Хотин-қизлар, бошқа миллат вакиллари тенг, ҳуқуқдан фойдаланишини; ота-оналар вояга етмаган фарзандлари ҳақида вояга етган фарзандлар ота-оналари ҳақида ғамхурлик қилишга мажбурлигини; давлат ва жамият етим болалар ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш тарбиялаш ва уқитишни таъминланишини;

-Маълум ёшга етган эркаклар Қуролли қучлар сафида ёки муқобил хизмат утиш бурчига эга эканлигини:

- Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилувчи чет эл фуқаролари ва фуқаросиз шахслар уз ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланишини;

- Мансабдор шахслар, депутатлар уз ваколатлари ҳақидаги чуқурроқ урганиши ва билими зарурдир.

Мавзу: Жамият, давлат, ҳуқуқ, замонавий ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари.

Фуқаролик жамияти тушунчаси ва уни шакллантириш йуллари.

РЕЖА :

I. Жамият, давлат, ҳуқук: замонавий ривожланиш тенденциялари ва истикболлари.

1. Жамият тушунчаси
2. Давлат тушунчаси
3. Ҳуқук тушунчаси

II. Фуқаролик жамияти тушунчаси ва уни шакллантириш йуллари.

- 1) фуқаролик жамияти тушунчаси.

I. Жамият, давлат, ҳуқук: замонавий ривожланиш тенденциялари ва истикболлари.

1. Жамият тушунчаси.

Инсоният вужудга келиши билан у якка узи яшай олмайди. Инсон кимлар биландир муомалада булиши, фикр-мулоҳаза килиши, табиат қонуниятидир. Жамият қандай, қай тарзда вужудга келганлиги тугрисида ҳозирги давргача бирор бир аниқ тушунча йук.

Жамиятдаги одамларнинг узаро боғлиқлиги, ҳамкорлиги асосида ташкил топади. Бу ҳамкорлик ҳар бир жамиятдаги шахснинг қамол топишига қумаклашиши лозим. Жамият бу мустақкам, бир-бирига боғланган, доим яшаш имқониятига эга жамоа уюшмасидир. Бу жамиятдаги узаро боғлиқлик натижасида одамлар қамол топиши, ривожланиб бориши керак. Одамларнинг бирлашиб яшашлари, фикрлаши учун қандайдир гоё бирлаштириб туради. Гоё инсон ҳаётига мазмун бағишлайдиган, уни ҳаракатга келтириб мақсад сари етаклайдиган фикрдир.

Масалан: Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир миллат вакилининг уз қатнашчилари, қилма-қил тушунчалари булиши табиий, лекин уларнинг ҳаммасини бирлаштирадиган гоё шу давлатнинг қелажаги учун, фаровонлиги учун уз ҳиссасини қушиш, Ватаним деб Ўзбекистонни севиш қабиманфаатларни уз ичига олади. Инсон жамиятнинг асосини ташкил қилади. Лекин инсон жамият билан боғланиш муаммосини, ҳуқук, эркинлик бурчларини, нима қилиши мумкин, нима қилиши мумкин эмас қабимаслатларни, қоида, қонун тартибларини қилиши керак. Бу қоидалар инсон ва жамият уртасидаги муносабатларни тегишли органлар, ҳокимият органлари тартибга қолади.

Жамият тушунчаси уз ичига ақл ва онгли равишда одамларнинг бирлашиши улар уртасида умумий қизиқиши булиши, бу қизиқиш уларни бирга ишлаши, ривожланишга олиб қилиши, одамлар муносабатлари маълум қоидалар, тартиблар билан боғлиқлигини, бу қоидаларга риоё қилиш учун ички ва таъқи қуч ҳуқуқронлик воситалари булишини. Жамият янғиланиши учун шарт шароитлар мавжуд булизи лозимлигини олади.

2. Давлат тушунчаси.

Давлатнинг вужудга қилиши тугрисида ҳар қил тушунчалар булиши, табиий, албатта. Лекин асосий сабаб бу инсон, унинг интилиши, усиши, онги, ақли, рухий хоҳиши, истаги ва табиат қонуният.

Давлат қандай шаклда вужудга қелмасин, унинг неғизида умумий ҳамкорлик асосига таянган одамларнинг бирлашувини мақсад қилиб олади. Шунинг учун давлат жамиятдан

чиккан, жамият устига узини-узи куйган сиёсий ҳукмрон ташкилот. Давлат ҳукмронлиги Жамиятни бирлаштирувчи, ташкил этувчи, мажбурловчи куч бўлиб ҳисобланади.

Давлатда ҳар хил бошқа жамоа уюшмалари бўлиши мумкин. Лекин бу уюшмалар давлат урнатган конунларга риоя қилиши, конун доирасида иш қилиши шарт.

Давлат - ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамиятнинг ҳаракатланишида муҳим рол ўйнавчи алоҳида бир ташкилотдир. У ҳар қандай жамият сиёсий тизимининг бир қисми (элементи), ҳокимиятни амалга оширувчи воситадир. Унинг фаолияти жамиятнинг ҳамма соҳасига таъсир қилади. У ваколатни халқдан олади ва узига тегишли ваколатни узининг махсус тузилмалари – давлат органлари орқали амалга оширади.

Давлат халқ манфаатини қўзғаса, унга ижтимоий ҳаётда, давлат ишларида, ҳужалик юритишда эркинлик берса, тинчлик сиёсати юргизса, давлат демократик ҳисобланади ва тараққиётга сабаб бўлади. Аксинча, халқнинг эркинлигини чекласа, тараққиётга тўсқинлик қилса, зуровонлик билан иш олиб борса – реакция давлат ҳисобланади.

«Давлат» сузи купинча **«Мамлакат»** сузи урнида ҳам ишлатилади. Масалан: айрим ҳолларда «Мамлакатимиз» деган суз урнида «Давлатимиз» деган сузларни учратишимиз мумкин. Давлатнинг курсатмаси жамиятнинг ҳамма аъзолари-фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет эл фуқаролари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари учун мажбурийдир. Давлат конун яратади ва узи ҳам конунларга бўйсинади.

Давлатнинг вужудга келиши билан унга ҳос белгилар пайдо бўлади. Улар:

1. Давлат уз ҳудудига эга бўлиши, чегара дахлсизлиги;
2. Давлат аппарати вужудга келиши: (армия, полиция ва ҳоказо).
3. Ҳуқуқни шакллантириш;
4. Солиқ йиғиш.

Давлатда яшовчи одамларнинг тартиб доирасида туриши учун махсус ташкилотлар – суд, армия, полиция ва бошқалар бўлиши шарт.

Ўзбекистонда давлатни бошқариш, маълумки Республика турида амалга оширилади. Республика парламентар ёки Президентлик бўлиши мумкин. Парламентар Республикада юқори уринда парламент туради. Бундай давлатда давлат бошлиғи парламент томонидан сайланади ёки махсус коллегия томонидан ташкил топади. Бунинг заминида парламентнинг ижроя органлар устидан назорат қилиш ҳуқуқи турибди. Президентлик Республикада – Президент парламет билан бир қаторда давлатни ва ижро этувчи ҳокимиятини бошқаради. Президентлик Республика қуйидаги хусусиятларга эга: Президент халқ томонидан сайланади, давлат ҳукумати тузади. Давлатни бошқаришда Президентнинг ваколати масъулияти парламентида кенгрок ҳисобланади. Давлат тузилиши шаклига қўра, унитар, федератив, конфедератив, империя бўлиши мумкин.

Федерация - бирлашган, иттифок маъносини билдиради. Федератив давлат эса бир неча сиёсий-ҳуқуқий мустақил тузилмалардан ташкил топган мураккаб давлат ҳисобланади.

Унитар – сузи яққа деган маънони билдириб, давлат тузилишида оддий вилоят, шаҳар, туман ва х.к. бўлинмаларга эга бўлади. Бу бўлинмалар суверен ҳуқуққа эга эмас. Унитар, давлатнинг федератив давлатдан фарқи унда яққа Конституция, ягона олий давлат органи ва х.к. мавжудлигида.

Конфедератив - давлат бу муайян мақсадларга эришиш учун тузилган тула мустақил давлатларнинг қўнғилли иттифоқидир.

Империя – зўрлик билан ташкил этиладиган мураккаб давлат бўлиб, таркибий қисмларнинг олий ҳокимиятига боғлиқлик даражаси жуда турли тумандир.

Ҳуқуқ тушунчаси.

Ҳуқуқ – Ушбу сузнинг бир неча маъноси бўлиб, биринчидан у давлат томонидан бажарилиши мажбурийлиги урнатилган юриш-туриш қоидалари, ҳатти-ҳаракатлардир. Иккинчидан, ҳуқуқ тушунчаси фуқароларга нисбатан олинса, у уларга берилган имконият, ҳуқуқ конституциявий ёки оддий ҳуқуқларга бўлинади. Конституциявий ҳуқуқлар

конституциявий нормалар билан, оддий ҳуқуқлар, оддий қонунлар билан белгиланади. Учинчидан, ҳуқуқ, уз навбатида, тармоқларга бўлинади:

- Конституциявий ҳуқуқ,
- Маъмурий ҳуқуқ,
- Фуқаролик ҳуқуқи
- Жиноят ҳуқуқи ва бошқалар, улар алоҳида ҳужжатларда мустаҳкамлаб қуйилган.

Ҳуқуқий давлат сари кадам қўяётган Ўзбекистонимиздаги ҳар бир шахс уз ҳуқуқларини эркинликларини, бурчларини билиб қолмасдан, балки қонун қабул қилиш жараёнида, давлат жамият ишларида иштирок этиш керак. Шуниндек, жамият ва давлатнинг етакчи қучи унинг қонунларида.

Янги фуқаролик жамиятини қуришда ҳар бир шахс қонунларни, демократия, мустақиллик тушунчасини, давлат бошқарувидаги улкан ўзгаришларни, инсон, фуқароларга берилган эркинликларни муқаммал билиши лозим. Бу жамиятни қуришда, ислохотларни амалга оширишда «янгилаштириш жараёнини бошқарадиган ва таъминлайдиган янги фикрлайдиган одамларни тарбиялаш давр талаби бўлиб қолмоқда. Шунингдек Ўзбекистон Президентининг «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» номи асарида, шундай фикрларни билдирган: «Ҳаётда ҳар бир нарсанинг баҳоси бўлганидек, фаровон турмушга эришишнинг ҳам албатта уз то-тарозиси бор. Бошқача айтганда, одамзод бир нарсага эришмоқ учун маълум вақт ҳузур-халоватидан воз қечишига ҳам тўғри келади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди».

Шундай экан, Ўзбекистонда давлатчилиқни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари «мустақиллик қўлга киритилиши билан республикада дарҳол демократик ҳуқуқий давлат асослари қўйдўга қўйилган бўлади. Шу мақсадда олдинги тоталитар тузим иллатларини тағ-томири билан қўйиб ташлашга қескин қўйилди. Қўй партиявий, қўйлар ва фикрлар қилма-қиллиги билан қўйроқ ҳаётнинг қўйлиққа айланади. Бир маққура қўйронлиқига қўйрам қўйилди. Қўйминсоний қўйриятларни, қўйон эътироф этган қўйнам демократия, инсон эркинликлари ва ҳуқуқлари нормаларини қўйроқ қўйиштириш қўйифаси қўйилди.

Республика олдида уз тараккиёт қўйлини танлашдек қўйдий қўйифа қўйдаланг бўлди. Қўй бақаришнинг қўйят қўйрилиги қўйида Президентимиз шундай қўйфода қўйди: «Қўйон тақрибаси шундай қўйлолат қўйадики, уз давлатчилиқини қўйга қўйиштириш, қўйлий ва иқтимой озодлиққа қўйиштириш қўй каерда қўйил ва осонлиқча бўлмаган. Қўйилиққа қўйишган ҳар бир қўйлақат уз тараккиёт қўйлини қўйлайди, янги жамият қўйроқ этишда уз андозасини қўйлаб қўйишга қўйилади. Иқтимой-иқтисодий ва қўйсий қўйият, одамлар қўйида тарқиб қўйган қўйосабатлар, қўйнинг дўйқараши, қўйладан, қўйий эътиқоди, қўйияти ва қўй-атвори нормалари қўйи такозо этади» - деб тақидлаган «Ўзбекистон қўйлий истиклол, иқтисод, қўйсат, маққура» номи асарида. Ўзбекистон Республикасининг давлат қўйилиши шакли Конституциямизнинг «Маъмурий-қўйдий ва давлат қўйилиши» деб қўйланган қўйтинчи қўйимнинг XVI-XVII-қўйларида уз қўйодасини қўйган. Қўйладан 68-қўйида шундай қўйилган: «Ўзбекистон Республикаси қўйлоятлар, қўйманлар, қўйлар, қўйларчалар қўйлоқлар, қўйлар, қўйнингдек Қўйалоқлиқстон Республикасининг маққомига қўйишланган. Қўйида: «Қўйерен Қўйалоқлиқстон Республикаси Ўзбекистон Республикаси тарқибига қўйади» деб тақидланган.

II. Фуқаролик жамияти тушунчаси ва уни шакллантириш қўйлари.

«Қўйли давлатдан қўйли фуқароли жамият сари» - деган қўйсий қўйиштириш дастурига асосан фуқароларнинг қўйларига уз қўйи ва қўйун жамият қўйини бошқаришда ва тарқил этишда қўйи иштирок этиш учун имқоният қўйади. Бу эса фуқаролик жамиятини тақойилларига қўйла қўй келади.

Давлат шаклида уюшган ҳар қандай жамиятда унинг маромидаги ҳаётий фаолиятини таъминлаш ва сақлаш, жамият ва давлат олдига қуйилган вазифаларни бажариш, кузланган мақсадларга эришиш учун турли хил давлат ташкилотлари фаолият юритиши керак.

Давлат механизми давлат ташкилотларидан иборат бўлиб, унинг ёрдамида давлат ҳокимияти амалга оширилади, жамиятга давлат раҳбарлиги таъминланади.

Давлат механизмнинг тузилиш ва унинг фаолияти муайян объектив тамойиллар асосида амалга оширилади.

Бу қуйидаги тамойиллардан иборат:

1. Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили.
2. Давлат ҳокимиятининг ижроия органлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг суд органлари тизими.

Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига ва фуқароларнинг узини-узи бошқариш органларига босқича-босқич топширишни кузда тутади.

Давлат тасарруфида асосан конституцион тузимни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат утқизиш каби вазифалар қолади.

Стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва ҳужалик масалалари бўйича пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экологик масалаларни, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш. Янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқариш барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилади.

- Биринчи навбатда, бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тулдириш, одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш ва аҳолини қучли ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг узини-узи бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши керак.

Конун нуктаи назаридан қараганда маҳаллий органлар, қонунлар қабул қилинган, фуқароларнинг узини-узи бошқариш органлари ҳам қўп жихатдан ана шундай ваколатга эга бўлади.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг узини-узи бошқариш органлари олдига қуйилган вазифаларни ҳал этиш учун бугунги кунда солиқ тугрисидаги қонунда кузда тутилган барча маҳаллий солиқлар ва йигимлар ҳамда умумдавлат солиқларининг анчагина қисми маҳаллий бюджетларга йўналтирилмоқда.

Маҳаллий жамият органлари ва фуқароларнинг узини-узи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисми боқичма-босқич топширилмоқда. Бунда аҳолининг қасб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тулароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеларини оширишдан иборатдир.

Ўзбекистон ўз олдига фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилиб қўйган.

Ўзбекистон Республикасининг конституциясига мувофиқ бизда мамлакат парламенти – Олий мажлис Президент тақлифига асосан бошқа мамлакатлар каби фақат Бош вазирнигина эмас, балки ҳукуматнинг бутун таркибини номма-ном сайлайди.

Фуқаролик жамиятини қуриш бир қанча ваколатли вазифаларни давлатдан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоат тузилмаларига босқичма-босқич топширишни кузда тутади.

Мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилятини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият эркинлигини ҳимоя қилиш, самарали ташқи сиёсат утқизиш каби вазифалар давлат тасарруфида бўлади.

Шунингдек муҳим иқтисодий ва ҳужалик масалалари бўйича, стратегик аҳамиятга молик масалалар, пул ва валюта муомаласи бўйича қарорлар қабул қилиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва коммуникацияларни ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш давлат микёсида ҳал этилади.

Қолган барча вазифалар айниқса, биринчи навбатда, бозор ислохотларини амалга ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулкни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини тулдириш, одамларнинг модий фаровнлигини ошириш ва аҳолини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари маҳаллий ҳокимият идоралари ҳамда фуқароларнинг узини-узи бошқариш органлари томонидан ҳал этилади.

Айни пайтда шу йул билан фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асослари барпо этилади. Қонун нуқтаи назаридан қараганда, маҳаллий органлар, амалдаги қонунларга асосан фуқаронинг узини-узи бошқариш органлари ҳам ана шу ваколатларга эга. Эндиги вазифа ана шу ваколатларни амалга оширишнинг таъсирчан механизмини яратишдир.

Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг узини-узи бошқариш органлари олдиган қуйилган вазифаларни ҳал этиш учун молиявий ресурсларга эга бўлиши керак. Бунинг учун уларнинг даромадларини шакллантирувчи манбаларни мунтазам кенгайтирилмоқда.

Бугунги кунда қузда тутилган барча маҳаллий солиқлар ва умумдавлат солиқларининг анчагина қисми ҳам маҳаллий бюджетга йуналтирилмоқда.

Жумладан давлат бюджетининг 62 фоизидан қупроқ қисми маҳаллий бюджетга йуналтирилмоқда.

Мавзу: Ҳуқуқий давлат ва ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойиллари. Ўзбек миллий давлатчилигининг замонавий ривожланиши.

Амалий 2 соат

РЕЖА:

- I. Ҳуқуқий давлат ва ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойиллари.
 - 1) Ҳуқуқий давлат
 - 2) Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойиллари
 - 3) Давлат ҳокимиятининг ижроя органлари
 - 4) Ўзбекистон Республикасининг суд органлари тизими.
- II. Ўзбек Миллий давлатчилигининг замонавий ривожланиши.
 - 1) Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тузилиши.
 - 2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.

I. ХУКУКИЙ ДАВЛАТ ВА ХОКИМИЯТЛАРНИНГ БУЛИНИШИ ТАМОЙИЛИ.

Хукукий давлат.

Хукукий давлат бу ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида конун ҳукмронлик киладиган давлат ва унинг органлари конун билан боғланган, фуқаролар ҳуқуқини суд ва бошқа органлар ҳимоя этадиган ҳамда давлат билан шахс бир-бирига нисбатан масъулиятли булган давлатдир.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон Республикаси узининг янги Конституциясида келажакдаги мақсади ҳукукий, демократик давлат ва фуқаролик инсонпарварлик жамияти қуришини эълон қилди.

Маълумки ҳар бир миллатга, аввало унинг тили, тарихи, байрамларини, миллий хусусиятларини урганиб баҳо берилади.

Яқин тарихимизга мурожаат қилайлик, ўзбек халқи табиатига, миллий байроғига зид булган тузим жорий этган шуролар даврида ҳам худди шундай булди. Шуро тузими, халқимиз, миллатимиз учун кадрли булган байрамлар урнига бизга тугри келмаган, бегона булган байрамларни киритишга ҳаракат қилди. Мақсад бизни ўзлигимиздан ажратиб, ундан бегоналаштириш, ўзлигимизни йукотишдан иборат эди. Ҳақиқий озод булиш учун эса миллатнинг, ўтмишини, руҳий тиклаш керак булади. Бу:

1) онг ва тафаккур ўзгармаса ўтмишни қумсаш давом этаверишини, ўзлигини англамаган ҳар бир киши учун «қул булиб яшаш» афзалроқ қурилишини англади;

2) бундай фикрларнинг ҳамон мавжудлиги коммунистик мафқуранинг асоратлари айримлар онгида ҳамон сақланиб қолаётганлигини қурсатади:

3) миллий гоёни инсонлар онгига сингдириш борасида анча ишлар олиб борилаяпти.

Тарих шуни қурсатадики, ҳар бир миллат, ҳар бир шахс, биринчи навбатда, ўз миллий гурурига эга булиши, ўзлигини англаши лозим. Шахс миллат авваламбор, ўзини ҳурмат қилганида бошқа шахс, миллатларни ҳурмат қилади. Ўзлигини англамаган, гурусиз миллат ҳар қанча моддий бойликларга эга булмасин қул булиб яшайверади. Аксинча, ўзлигини англаган, ўз аجدодлари тарихини, қадрияти, ўрф одатлари. Аънааларини эъзозлаган миллатнинг келажаги буюк булади.

Мустақиллик туфайли халқимизга қайтиб келган Наврузи олам, Қурбон ҳайити қаби байрамлар каттик қурашлар изтироблар натижасида қулга киритилди.

Мустамлакачилик сиёсати ўз мақсадига эришиш учун халқимизнинг миллий байрамларига ҳуруж қилиб турган пайтда ўзимиздан чиққан айрим маҳаллий раҳбарларнинг бу сиёсатини тулик қуллаб-қувватлаши дард устига чипқон булганди.

Масалан, 1984 йил 23 июнда Ўзбекистон КП Марказий Қумитасининг XVI-пленими булиб, нда Ўзбекистон КПМҚнинг биринчи секретари И.Б.Усмонхўжаев ўз маърузасида «Коммунистларнинг диний маросимларида қатнашиш ҳоллари ўтраб турганлиги ҳамда дабдабали тадбирлар ҳаддан ташқари қуплиги, одамлар онги ва феъл-атворидаги реакцион сарқитларга қарши, истеъмолчилик психологиясига ва маърақаларга қарши қурашдаги ҳужумкорлик ва таъсирчанлик бушаштириб юборилганлигини оммавий ахборот воситалари эса халқ орасида социалистик турмуш тарзини янада кенгрок тарғиб қилишлари лозимлиги»ни алоҳида таъкидлайди. («Совет Ўзбекситони» 1984 й. 24 июн.)

Жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам ҳукукий фуқаролик жамияти булади. Ҳар бир киши ўз ҳуқуқларини аниқ ва равшан билиши, улардан фойдалана олиши, ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қила олиши лозим. Бунинг учун аввало, мамлакатимиз аҳолисининг ҳукукий маданиятини ошириш зарур. Шу билан бир вақтда ҳар бир инсон тураларча ўзбошимчалиқдан, қонунсизликдан ўз ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган идоралар мавжудлигига амин булмоғи керак.

Ҳокимиятнинг бўлиниш тамойили.

Мазкур тамойил узок тарихга эга булиб, катор Гарб ва Рус олимлари хамда уларни укиб урганган узбек хукукшунослари ҳокимиятнинг уч тармокка булишини асосчиларидан деб биладилар.

Имом Газзоний «...одам хамма хожатини узи тамом килолмас. Гайрига хожати тушган сабабин ҳукумат пайдо булур ва хар киши уз ҳукукига ризо булмай, бир-бирига касд килурлар. Бу важихдин яна уч сифатга хожат тушар. Бири салтанат ва сиёсат, яна бири козилик ва ҳукумат, яна бири синфий фикхким, шунинг бирла сиёсат ва салтанат конунини халкка жорий килгай» - минг йил аввал айтиб утган эди.

Шунингдек Шарк Луи Монтескьенинг фикрича конунчилик ва ижроия кучлари айнан бир одам кулида ёки бирдан бир органда жамланган булса, эркинликнинг булиши мумкин эмас. Зеро уша ҳукмдор монарх подшо ёки сенатор зулмкор конунларни жорий этиши хамда уларни золимлик билан куллаши мумкинлиги таъкидланган.

Юқоридаги таърифларнинг узиданок аён булдики ҳокимиятнинг булиниши давлат органлари ва уларда ишлаётганларнинг оддий булиниши нисбатан анча купрок аҳамиятга эгадир.

Ҳокимиятларнинг булинишисиз ҳукукий давлатнинг булиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида конун чиқарувчи, ижро этувчи ва судлов тизими – яъни ҳокимият тармоқларининг булиниши конун билан мустаҳкамланган.

Давлат маҳкамаси – аппарати, давлати механизмининг бир қисми булиб, давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун ҳукмронлик ваколатларига эга булган давлат органлари мажмуидан иборат.

Давлат механизми, давлат маҳкамасидан ташқари давлат корхоналарини ҳам уз ичига олади:

- конун чиқарувчи ҳокимият органлари;
- ижроия ҳокимият органлари ёки давлат бошқарув органлари;
- суд ҳокимияти органлари, яъни ҳуқуқни муҳофаза этиш органларидан иборат булади;
- конун чиқарувчи муассасалар ва маҳаллий ҳокимият органлари давлат вакиллик органлари булиб, улар аҳоли томонидан сайлаш йули билан шаклланади хамда аҳоли-халқ номидан иш куради ва унинг олдида жавобгардир.

Конун чиқарувчи ҳокимият, ҳокимиятнинг булиниш тамойилига кура энг асосийси ҳокимият ҳисобланади. У ижроия ҳокимият ҳаётига тадбиқ этиш керак булган умуммажбурий конун-қоидаларни, суд ҳокимияти фаолияти учун белгилаб беради.

Маъмурий ҳудудлар доираси асосида давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари ва маҳаллий узини-узи бошқариш органлари орқали амал киладилар.

Ўзбекистон Республикаси «Конституциясининг давлат ҳокимиятини ташкил этишига бағишланган, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси» - деб номланган XVIII-бобининг 76-моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи булиб, конун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади».

Давлат ҳокимияти олий органининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасини 24 бандида мустаҳкамланган булиб унга кенг ҳуқуқлар бериб, унинг зиммасига жиддий мажбуриятлар юкланган.

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар бошчилик киладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари булиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кузлаб уз ваколатлари доирасидаги масалаларни хал этишлари ҳақида Конституциянинг 99-моддасида таъкидланган.

Давлат ҳокимиятининг ижроия органлари.

Давлат ҳокимиятини ташкил этишда икки – парламент ва президентлик тизими булиб унда, Парламент конун чиқарувчи органда купчилик партия ва бош вазир етакчилигидан шакллантиради.

Булар ижроия ҳокимиятининг марказий органлари ҳисобланади.

Парламентар бошқарувнинг бу тизими аввал Буюк Британияда дунёга келган бўлиб ҳозирда Европанинг катта қисмида, Кариб оролларида, Канадада, Хиндистонда ҳамда Африка Осиё мамлакатларида кенг амал килади.

Конун чиқарувчи органдан мустақил сайлашга асосланган президентлик тизими бугунги кунда Лотин Америкасининг катта қисмида, Францияда, Польшада ва АКШда амал қилиб келмоқда. Президентлик тузилмаси биринчи бўлиб АКШда дунёга келган бўлиб АКШда сиёсий тизимнинг энг муҳим институтларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда ҳар бир давлат узининг сиёсий ҳаётида Президент қандай рол уйнашини ўзи белгилайди.

Давлат сиёсатида Президент ваколатлари у ёки бу мамлакатда унинг роли ва мақоми конституциявий меъёрлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси давлати ва ижроия ҳокимиятининг бошлиғи ҳамда бир вақтнинг ўзида Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳамдир.

Ўзбекистон Республикасида ижроия ҳокимияти Ҳукумат – давлат ҳокимиятининг олий ижроия ва фармойиш берувчи органи амалга оширади. Ҳамда Ўзбекистон у Мазирлар Маҳкамаси деб аталади.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан тузилади ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига қура республика Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади. Вазирлар Маҳкамаси Конунлар Олий Мажлисининг қарорлари ва фармойишларининг ижросини, иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳасининг самарали фаолиятига раҳбарликни таъминлайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча органлар, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбур бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз зиммасидаги ваколатларини соқит қилади.

Ўзбекистон Республикасининг суд органлари тизими.

Суд – давлат органи бўлиб, у шу давлатнинг қонунларида белгиланган процессуал тартибда жиноий, фуқаролик ва маъмурий ишларни ҳал этишда одил судловни амалга оширади. Давлат ҳокимиятининг учинчи тармоғи бўлган – суд ҳокимияти давлат механизмида факат суд ҳокимияти одил судловни амалга оширади.

«Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти – Конституцияга асосан – қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятларидан, сиёсий, партиялардан бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил иш юритади» - деб қуйилган.

Ўзбекистон Республикасида:

- Конституциявий суди;
- Ўзбекистон Республикаси олий суди;
- Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди;
- Олий ҳужалик суди, ҳамда;
- Тошкент шаҳар суди;
- Вилоятлар, туман, шаҳар ва ҳужалик судларидан иборат.
- Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди – Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимиятлари ҳужжатларининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни қуриб чиқади.

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди – фуқаролик, жиноий ва маъмурий судлов ишлари соҳасидаги судлов ҳокимиятининг Олий органи ҳисобланади.

- Олий ҳужалик суди – қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, тадбиркорлар уртасида юзага келган иқтисодий – ҳужалик низоларини ҳал этади ва ўз ваколатлари доирасида қуйи ҳужалик судлари томонидан амалга оширилади.

Судлар фуқароларимизни ҳимоя ҳуқуқи ва айбсизлик презумциясини таъминлайдилар.

Ўзбек Миллий давлатчилигининг замонавий ривожланиши.

Конституцияга ҳамда республика Олий Кенгашининг 1991 йил 31 августдаги қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тугрисида»ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси (Қорақалпоғистон Республикаси унинг таркибига қиради) - мустақил, демократик давлатдир.

Бугунга қадар Ўзбекистон дастлаб РСФСР таркибига қирган Туркистон Автоном Республикасининг тарикбий қисми ҳисобланар эди. 1924 йил октябрда Урта Осиё ва Қозоғистонда утқазилган миллий давлат чегаралашишидан сунг, Ўзбекистон ССР ташкил топди ва у СССР таркибига қирди.

1991 йил 31 августда республика Олий Кенгаши Ўзбекистон давлат мустақиллигини эълон қилди ҳамда мустақиллик тугрисида қонун қабул қилди. Баёнотда ва Қонунда Ўзбекистон Республикаси бундан бўён давлат ҳокимиятига тула-туқис эга бўлишлиги, у узининг миллий давлат тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органлари тизимини мустақил равишда белгилаши айтилганди.


Ўзбекистонда давлатчилиқни шакллантиришнинг узига ҳос ҳусусиятлари Мустақиллик қулга қиритилиши билан республикада дарҳол демократик ҳуқуқий давлат асослари вужудга қелтирила бошлади. Шу мақсадда олдинги тоталитар тузим иллатларини тағ-томири билан қупориб ташлашга қескин қиришилди.

Қуп партиявийлик, қоялар ва фикрлар қилма-қиллиги билан мураса ҳаётий воқелиққа айланди. Бир мафқура ҳуқмронлиқига барҳам берилди. Умуминсоний қадриятларни жаҳон этироф этган қинақам демократия, инсон эркинлиқлари ва ҳуқуқлари нормаларини қарор топтириш вазифаси қуйилди.

Шуро тузиқида, қарчи юридик жихатдан ҳокимият қалққа тегишли бўлсада, аслида у қонунга қилоф равишда партиявий-буйруқбозлиқ қуруқи томонидан тортиб олинганди. Мамақатни қалқ эмас, балқи қоммунистик партия бошқаради. Улқан мамлақатда КПССдан бошқа партия йуқ эди. Ижтимоий ҳаёт расмий давлат мафқураси даражасига қутарилган яққа-ю яғона мафқура асосида ривожланарди. Бу марқсча-ленинча мафқура эди. Мамақатда тафакқур, мулоҳаза, фикрлар эркинлиги йуқ эди. Бу яққа мафқура қоидалари тугрисида оз бўлсада гумонсираш ундан оғиш деб қаралар ва социализмга душманлиқ, мавжуд тузимга қиёнатдан бошқа нарса эмас деб бақоланар эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрлар қилма-қиллиги асосида ривожланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тузилиши





Хеч кайси мафкура давлат мафкураси сифатида урнатилиши мумкин эмаслиги курсатилган.

Демократиянинг энг мухим принципларидан бири халк хокимиятчилиги принциpidир. Бу принципнинг мохияти шундаки, давлат ишларини халкнинг узи бевосита ёки хокимиятнинг юкори органларига узи сайлаган вакиллари оркали хал килади.

Хокимият хар кандай жамият учун – ибтидоий жамиятга хам, уюшган давлатга хам зарур, чунки у одамларнинг нормал турмуш кечиришлари учун зарур булган хавфсизликни таъминлайди.

Аммо давлат хокимияти ижтимоий хокимиятнинг алохида тури хисобланади. У конун чикарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятига булинувчи уз хокимият тизимига эга. Давлат хокимиятининг ягона манбаи халк хисобланади.

Ижтимоий хаёт сиёсий мафкуралар, фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади. Мамлакатнинг асосий конуни битта мафкуранинг хукмронлик килишига йул куймайди.

Халкимиз миллий давлатчиликни мустахкамлашнинг хозирги боскичида мухим вазифаларни хал килар экан, демократияни янада ривожлантириш хамда фукаролик жамиятини карор топтириш истикболларини кузламокда. Бу бошкарув функцияларининг купчилиги давлат хокимияти ва бошкарuvi марказий органлардан – вилоят органларига, вилоят органларидан – шакар, туман органларига, сунгра эса фукаролар узини-узи бошкариш органларига утишидан иборатдир. Сиёсий жараёнларда, давлат ва жамиятни бошкаришда фукаролар иштирок этишининг хукукий негизлари ва амалий механизмлари огишмай такомиллаштириб борилмокда. Сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, хотин-кизлар, ёшлар ва фахрийлар ташкилотларининг, турли хайрия, ижодий фондлар ва иттифокларнинг, миллий-фондлар ва иттифокларнинг, миллий-маданий марказларнинг, бошка жамоат уюшмаларининг роли ошиб бормокда, фаолияти кучаймокда.

Мамлакатимизда демократик давлат куриш, фукаролик жамияти барпо этишдан иборат эзгу махсадлар сари дадил интилишлар жараёни хаётимизда халкчил адолат тамойилларининг чукур илдиз отиши, умуминсоний ва миллий кадрияларнинг жамоатчилик онгидан мустахкам урин олиши, эркин тафаккур, фикрлар хилма-хиллиги тула намоён булишини такозо этмокда. Маълумки референдум ва сайловлар-демократик жамиятларнинг асосий белгиларидан саналади. Тараққиётнинг юксак погоналаридан урин олган барча ривожланган мамлакатлар уз ички ва ташки сиёсатларида катта муваффакиятларга, аввало референдум ва сайловлар оркали эришганлар. Шу боисдан хам референдум ва сайлов тизимини такомиллаштиришга хизмат килувчи конун ва бошка мухим хужжатларни чукур урганиш демократик тарғиботларга амал килишни мустахкам кафолатлайди.

Референдум ҳақидаги қонунни урганиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Ўзбекистон Республикасининг референдуми Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларини қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг овоз беришидир.

Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар Олий юридик қучга эга бўлади ва факат референдум йули билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ўтказилади.


Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тугрисида Қонуннинг 2-моддасида қайси масалалар референдум

Предмети бўла олмаслиги курсатиб ўтилган.

Бугунги куннинг яъна бир долзарб вазифаси Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Олий мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига ҳамда Марказий Сайлов комиссияси тугрисидаги Қонунларни урганиш ҳамма учун баровар ва зарур бўлган ҳолда мазкур сайловларни бевосита ташкил этиш ва ўтказишга мутасадди ҳисобланувчи округ ҳамда участка Сайлов комиссиялари аъзолари руҳида билишлари давр тақозосидир.

Бугунги давр давлатлар, жамиятлар, одамларни ҳам ижобий ўзгартириш, янгиланиш сари ундамоқда. Яқинда амалга оширилаётган катта ижтимоий-сиёсий тадбир, яъни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси тақдирида ўз ўзини қолдирувчи сайловлар давлатимиз ва жамиятимизни янги юксакликларга олиб чиқиши муқаррардир.

Икки палатали Олий Мажлисининг тузилиши



Мавзулар буйича тестлар:

1. Хукукий давлатни белгиловчи жихатлар?
А. Юксак ривожланган иктисод
В. Юксак ривожланган фан ва маданият
С. Давлат уз фаолиятини ижтимоий адолат ва конунчилик асосида амалга оширади
Д. Давлатни унинг Президенти томонидан якка бошқаруви
Е. Тугри жавоб берилмаган
2. Куйидаги жавобларнинг кайси бирида Республика давлат органлари тизими тугри курсатилган?
А. Конун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органлари
В. Вазирликлар, хокимликлар, суд органлари
С. Вазирликлар, прокуратура, оммавий ахборот воситалари
Д. Вазирликлар, суд органлари, давлат оммавий ахборот воситалари
Е. Тугри жавоб берилмаган
3. Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи?
А. Партиялар В. Мулк эгалари С. Халқ
Д. Жамоат ташкилотлари Е. Тугри жавоб берилмаган
4. Фуқоранинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай йўналишларга ажратилади?
А. Фуқоранинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари
В. Фуқоранинг сиёсий ҳуқуқлари
С. Фуқоранинг ижтимоий иқтисодий ҳуқуқлари
Д. 1, 2, 3 жавоблар тугри Е. Тугри жавоб берилмаган
5. Ўзбекистоннинг янги конституциясини яратиш гоёси қачон пайдо бўлди?
А. 1989 йил июн ойида И.Каримов томонидан уртага ташланди
В. 1989 йил 21 октябр "Давлат тугрисида"ги Конун қабул қилиниши муносабати билан пайдо бўлди
С. 1990 йил 20 июнда Мустақиллик Декларацияси қабул қилиниши билан пайдо бўлди
Д. 1991 йил 31 августда Мустақиллик эълон қилиниши билан пайдо бўлди
Е. 1 ва 2 жавоблар тугри
6. Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича комиссия неча кишидан иборат тузилди. Унинг раиси?
А. И.А.Каримов раислигида 64 киши
В. И.А.Каримов раислигида 89 киши
С. Э.Ҳалилов раислигида 64 киши
Д. У.Султонов раислигида 78 киши
Е. Тугри жавоб берилмаган
7. Конун билан белгиланган ва ҳимоя қилинадиган уз ҳаётий эҳтиёжларини қондириш-бу..
А. Инсон манфаати В. Инсон ҳуқуқи
С. Инсон бурчи Д. Инсон эркинлиги Е. А ва Д
8. «Ҳидоя» асарининг муаллифи?

А. Имом ал-Бухорий В. Нажмиддин Кубро
С. Шайх Саъди Д. Бурхониддин ал-Маргиноний Е. Ал-Хоразмий

9. 1990 йил 20 июнь...?

- А. Мустакиллик Декларацияси қабул қилинди
- В. Собик Иттифок инкирозга учради
- С. Президентлик бошқаруви жорий этилди
- Д. МДХ давлатлараро йиғилиши
- Е. Тугри жавоб берилмаган

10. Ўзбекистонда қандай жамият барпо этилмоқда?

- А. Фуқаролик жамият В. Ҳуқуқий-демократик жамият
- С. А ва В жавоблар Д. Демократик Е. Социологик

11. Диний ташкилотлар сиёсий фаолиятда иштирок этишга ҳақлими?

- А. Сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этишга ҳақли эмаслар
- В. Сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этишлари мумкин
- С. Ҳа, Президентнинг розилиги билан
- Д. А ва С жавоблар тугри
- Е. В ва Д жавоблар

12. Ўзбекистон давлатидаги ҳуқуқнинг бош манбаи нима?

- А. Ҳуқуқий жамият
- В. Ҳуқуқ тартибот органлари
- С. Конституция
- Д. Омбудсман
- Е. Ҳаммаси

13. 1992 йил март ойида И.А.Каримов Хельсинки шаҳрида қайси ташкилот ҳужжатига имзо қилди?

- А. Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти В. 6+2 ташкилоти
- С. МДХ ташкилоти Д. Юнеско ташкилоти
- Е. Бирлашган миллатлар ташкилоти

14. Инсон ҳуқуқлари курси нимани ургатади?

- А. Инсон ҳуқуқи тушунчаси В. Ҳаммаси тугри
- С. Инсон ҳуқуқига таълуқли қонун ва қонуний актлар
- Д. Фуқароларнинг мақсад ва вазифалари
- Е. Инсоннинг жамиятдаги ўрни

15. 1993 йил 24 октябрда Республикамизда қандай сиёсий ўзгариш рўй берди?

- А. Тошкентга НАТО ташкилотининг вакили ташриф буюрди
- В. Андижондаги Асака шаҳрида машина заводи қурилди
- С. Тошкент шаҳрида БМТнинг ваколатхонаси иш бошлади
- Д. Тошкентда БМТнинг ҳавфсизлик кенгаши ўтказилди
- Е. Тошкентда Президент сайлови ўтказилди.

16. Давлатнинг алоҳида белгилари...?

- А. Ҳудуд В. Аҳоли С. Ҳокимият Д. Ҳаммаси тугри Е. Суверенитет

17. Ўзбекистон Республикасида мустақил давлат органи?

- А. Оммавий ахборот воситалари В. Депутатлар кенгаши

С. Олий Мажлис Д. Суд ҳокимияти
Е. Вазирлар Маҳкамаси

18. Конституцияга мувофиқ давлатимизнинг номи?

- А. Ўзбекистон Демократик Республикаси
- В. Д ва Е жавоблар тугри
- С. Мустиқил Демократик Республика
- Д. Ўзбекистон Республикаси
- Е. Ўзбекистон

19. Фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ёшларини курсатинг?

- А. 15 ёшдан сайлаш, 20 ёшдан сайланиш
- В. 20 ёшдан сайлаш, 22 ёшдан сайланиш
- С. 17 ёшдан сайлаш, 20 ёшдан сайланиш
- Д. 18 ёшдан сайлаш, 21 ёшдан сайланиш
- Е. 16 ёшдан сайлаш, 24 ёшдан сайланиш

20. Давлат фаолиятининг ўз давлат чегараларидан ташқарида ҳаётда иштирок этиш асносида амалга оширадиган соҳаси нима деб аталган?

- А. Ички сиёсат В. Преамбула
- С. Ратификация Д. Халқаро ҳамкорлик Е. Ташқи сиёсат

21. Бошқа шахсларни жиноятга ундовчи кишилар қим аталади?

- А. Далолатчилар В. Жиноятга ундовчилар
- С. Етакловчилар Д. Айбдорлар Е. Мажбурловчилар

22. Жиноий жавобгарлик неча ёшдан бошланади?

- А. 18 ёшдан В. 16 ёш, айрим жиноятлар учун 13 ёш
- С. 21 ёш, айрим жиноятлар учун 15 ёш
- Д. 17 ёшдан Е. 14 ёшдан

23. Жиноятни содир этувчи шахс қандай номланади?

- А. Ташкилотчи В. Иштирокчи С. Бажарувчи
- Д. Ёрдамчи Е. Айбдор

24. Фуқаролар неча ёшдан бошлаб шаҳар ва вилоят кенгашлари депутатлигига сайланиши мумкин?

- А. 21 ёшдан В. 25 ёшдан С. 20 ёшдан Д. 18 ёшдан Е. 35 ёшдан

Адабиётлар :

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. 2003 й.
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI – асрга интиломда». Т. 1999.
3. И.А.Каримов «Озод ва Обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз». Т. 2000 й.
4. И.А.Каримов «Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод сиёсат, мафкура» 1-том, Т-1996 й.
5. И.А.Каримов «Адолат фаолиятимиз асоси бўлсин». Т. 1993 й.

6. И.А.Каримов «Асосий конун тантанаси» Т. 1993 й.
7. И.А.Каримов «Конунлар халк манфаатларига хизмат килсин» Т. 1996 й.
8. Муаллиф жамоаси: «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини урганиш». Т. 2002 й.
9. Э.Х.Халилов «Ижтимоий турмушда ҳукукий онгнинг урни». Т. 1997й.
10. Ўзбекистон Республикасининг Референдуми тугрисидаги Конуни. Т. 2001 йил.
11. Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови, Олий Мажлисига сайлови, Халк депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига Сайлови ва Марказий Сайлов комиссияси тугрисидаги Конунлари. Т. 1991 й.
12. Г.М.Тансикбоева, О.З.Мухаммаджонов «Конституция ва Биз».
13. А.Азизхужаев «Мустақиллик: курашлар, изтироблар, қувончлар». Т. 2001 й.
14. Исломов, М.Мирхамидов «Ҳуқуқшунослик» Т, 2002 й.
15. К.Бахриев «Демократия ва инсон ҳуқуқлари» Т. 1997 й.
16. З. Мукумов, Х.Маматов «Амир Темур тузукларида давлат ва ҳуқуқ масалалари». Т. 2001.
17. У. Тожихонов, А. Саидов «Давлат ва ҳуқуқ назарияси», Тошкент, 2000

М У Н Д А Р И Ж А

<i>Мавзулар</i>	<i>Бет</i>
«Давлат ва ҳуқуқ асослари» курси бўйича давлат талаблари	3
«Давлат ва ҳуқуқ асослари» курсининг тақвимий-мавзуй режаси (6 соат)	3
Давлат ва ҳуқуқ тушунчалари. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.	4
Жамият, давлат, ҳуқуқ: замонавий ривожланиш тенденциялари ва истикболлари. Фуқаролик жамияти тушунчаси ва уни шакллантириш йуллари.	20
Ҳуқуқий давлат ва ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойили. Ўзбек миллий давлатчилигининг замонавий ривожланиши.	26

Мавзулар буйича тестлар	34
Фойдаланилган адабиётлар	37

